



МАЗМУН

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Матжанова А.Ж. Қарақалпақ тилинде сыпайылықтың бетлик алмасықлары арқалы билдирилиўи

Есебаев М.М. Әжинияз Қосыбай улының бабалары ҳақында жаңа илимий изертлеўлер

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

A.B.Sultaniyazova Qaraqalpaq xalıq awız-eki dóretpeleri arqalı oqıwshı jaslarǵa milliy tárbya beriwdiń bazi bir máseleleri

Sayfullayeva I.Q Bo`lajak logopedlarni- nutqi rivojlanmagan bolalar nutqini tashhis qilishga o`rgatish metodikasi

Achilova S Dj Bo`lajak logopedlarni og`ir nutq nuqsonli bolalar bilan ishlashga tayyorlashning mazmuni

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХЫЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Jumayev F. A Ta`limda Vatan mavzusini jadid g`oyalari asoida o`qitish (Abdulla Avloniy ijodi misolidada)

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Abdullayeva F Sh Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga intellektual tayyorgarligini aniqlash metodlari va usullari

Achilova M S Boshlang`ich ta`limda steam yondashuvi asosida o`quvchilarda ijodkorlik qobiliyatlarini shakillantirishning ilmiy –nazariy asoslari

Э.Халикулов Умумтаълим мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўғарақларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш.

Raxmonov A R Bo`lajak boshlang`ich ta`lim o`qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda zamonaviy innovatsiyon yondashuvlar

Jurayeva S T Ta`lim-tarbiya jarayonida muammoli o`quvchilar bilan ishlash metodikasi

СУЎРЕТЛЕЎ ӨНЕРИ ҲАМ МУЗЫКА

Ankabayev R T Ta`lim tizimida o`quvchilarga rangshunoslik tarixini o`rgatish.

Азимов С. С Педагогический рисунок в формировании профессиональной компетенции будущего учителя изобразительного искусства.

Giyasova N.B Milliy ruh va san`at integratsiyasida bahodir jalolov ijodi

Марасулова И. М Амалий санъат ва таълим интеграцияси: ижодий фаолиятни шакллантиришдаги замонавий ёндашувлар

СОЦИАЛЛЫҚ ПЕДАГОГИКА

Buvorayeva G. Sh O`quvchilarda faol fuqarolik kompetensiyasini rivojlantirishning metodologik asoslari va pedagogik yondashuvlar

6. Baymetov.B. B, Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini kasbiy tayyorlashning ilmiy - nazariy va metodik asoslari"(monografiya) Toshkent 2023 yil

АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ: ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Марасулова Иззат МухаматСултановна

Чирчиқ давлат педагогика университети

“Тасвирий санъат ва дизайн” кафедраси доценти

Калим сўзлар: амалий санъат, интеграция, таълим, устоз-шогирд, кластер, креативлик, халқ ҳунаромандчилиги, ижодий муҳит.

Ключевые слова: прикладное искусство, интеграция, образование, наставничество, кластер, креативность, народные ремесла, творческая среда.

Keywords: applied arts, integration, education, mentorship, cluster, creativity, folk crafts, creative environment.

Резюме. Мазкур мақолада амалий санъатни педагогик жараёнга интеграция қилишда кластер ёндашув ва устоз-шогирд анъаналари асосида олиб борилаётган ишларнинг педагогик ва ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинади. Чирчиқ давлат педагогика университети Санъатишунослик факультети мисолида амалий санъатни юқори таълим тизимида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар, уларнинг маҳаллий ва халқаро аҳамияти, Халқаро ҳунаромандчилик фестивали, "ArtInnova" маркази ва "Kamalak-ART" каби лойиҳалар контекстида ёритилади.

Резюме .

В статье рассматриваются вопросы интеграции прикладного искусства в образовательный процесс на основе кластерного подхода и традиционной модели “учитель-ученик”. Анализируется опыт факультета искусствоведения Чирчикского государственного педагогического университета в развитии прикладного искусства в системе высшего образования, раскрывается значение международного фестиваля ремесел, центра “ArtInnova” и проекта “Kamalak-ART”.

Summary.

This article explores the importance of integrating applied arts into the educational process using a cluster approach and the traditional “master-apprentice” model. It analyzes pedagogical efforts and socio-cultural impacts through the example of Chirchiq State Pedagogical University's Faculty of Art Studies. It also covers the initiatives that promote applied arts within higher education, such as the International Handicraft Festival, “ArtInnova” Research Center, and “Kamalak-ART” student programs.

Кириш

Амалий санъат - миллий ўзликни ифода этувчи муҳим соҳа бўлиб, уни таълимга интеграция қилиш орқали ёшларда ижодий фикрлаш, маданий меросга ҳурмат ва касбий кўникмаларни шакллантириш мумкин. Бугунги таълим тизимида амалий санъатнинг ўрни нафақат эстетик, балки ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Ўзбекистонда бу соҳа нафақат миллий маданиятни сақлашда, балки янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва туризмни ривожлантиришда ҳам катта ўрин тутди. 1997 йилда қабул қилинган "Халқ амалий санъати ва ҳунаромандчилигини ривожлантириш" тўғрисидаги фармонда ҳунаромандларга турли солиқ имтиёзлари берилди³⁴. Ушбу фармондан кейин амалий санъат соҳасида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди: ҳунаромандчиликни қўллаб-қувватлаш институти тузилмаси таъсис этилди, йўқолиб

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги ПФ–1871-сон Фармони.

кетган хунармандчилик турлари тикланди, бозор ва экспорт имкониятлари кенгайди, қонунчилик асослари мукаммаллаштирилди ва илмий-тадқиқот эътибори оширилди. 2019 йилда Ўзбекистон Президентининг фармони ва давлат қарори асосида Қўқонда ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказиш белгиланди³⁵. Бу тадбир маҳаллий усталарни дунёга танитишда муҳим платформага айланди. Қўқон шаҳрида ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали нафақат маданий-иқтисодий, балки таълимий ривожланиш учун ҳам улкан аҳамиятга эга бўлди. Фестивал таълим, фан, маданият ва саноатни интеграция қилиш билан бирга ёш авлоднинг амалий санъат соҳасидаги билим, кўникма ва қобилиятларини шакллантириш, устоз-шогирд аъёнларини қайта тиклаш, миллий ва халқаро таълим интеграциясини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лекин, шунча ўзгаришлардан кейин ҳам амалий санъат ривожига ҳамда Ўзбекистонда амалий санъат соҳасини таълим билан чамбарчас боғлашда бир қатор муаммолар мавжуд. Масалан:

- педагогика ОТМлари тасвирий санъат йўналишида амалий санъатга ажратиладиган ўқув соатларининг етарли эмаслиги;
- маҳаллий хунарманд устозларни таълим жараёнига кенг жалб этишнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги;
- Янги авлод амалий санъат усталари, хунармандларни миллий аъёнлар ва инновационни уйғунлаштира оладиган касбий мутахассислар етарли эмаслиги;
- Амалий санъат соҳасида фаолият юритувчи ўқитувчи ва маҳоратли устозлар учун таълимдаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари самарали ташкил этилмаганлиги;
- таълим муассасалари ва хунармандчилик марказлари ўртасида ҳамкорликнинг қониқарли эмаслигини кўрамиз.

Шу муносабат билан, айтиш пайтида бадиий таълим тизимида амалий санъатни фанлараро, технологиялараро ва “устоз-шогирд” усули асосида интеграциялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу амалий санъатни ёшларга ўргатиш ва ривожлантиришга ҳамда соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Бизнинг фикримизча:

- Хунармандчилик марказларини кластер усулида ташкил этиш – шаҳар ва туманларда марказий устaxonа ва марказларни очиш.
- Педагогика ОТМлари тасвирий санъатни ўқитиш режаларида амалий санъатнинг улушини кўпайтириш;
- “Устоз-шогирд” дастурларини ривожлантириш, маҳаллий хунарманд устозларнинг тажрибаларини ёшларга етказиш механизмларини ишлаб чиқиш ушбу тармоқдаги ҳамкорликни янада ривожлантиради.

Таҳлил

Амалий санъат - инсон тафаккури, фаҳм-фаросати, эҳтироси ва дидини юксалтирувчи санъат туридир. У тўқувчилик, заргарлик, чопанчилик, ганчкорлик, гиламдўзлик, косибчилик каби халқ хунармандчилик турларини қамраб олади. Мазкур турлар таълимга жорий этилганда талабалар нафақат эстетик, балки амалий кўникмаларни ҳам эгаллайди. Педагогика олий таълим муассасалари ушбу соҳани ривожлантириш учун асосий ўзаклардани бири ҳисобланади. Мана шундай таълим муассасаларида талабаларнинг касбий фаолиятида юқори натижаларга эришган тажрибали амалий санъат усталари билан *ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари (мастер-класс) доимий равишда ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқ бўлади*. Мана шундай ижодий мулоқот, маҳорат дарслари ва

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2019). Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида (ПФ-5841-сон, 2019 йил 3 октябрь). <https://lex.uz/docs/5499690>

интеграцион ҳамкорликни ўз ичига олган комплекс ёндашувларни кенг жорий этиш таълим самарадорлигини янада ошириш билан амалий санъат ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Хунармандчилик маҳсулотлари нафақат бадий билим, балки техник маҳоратни ҳам талаб қилади. Бу эса таълим жараёнида “устоз-шогирд” моделининг самарадорлигини кўрсатади. Чирчиқ давлат педагогика университети тажрибаси

Санъатшунослик факультетида амалий санъатни таълимга интеграция қилиш, устоз-шогирд моделини қайта жорий этиш ҳамда кластер асосидаги ҳамкорликни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан:

- “Kamalak-ART” фестивали доирасида умумтаълим мактабларида иктидорли ўқувчиларни аниқлаш ва амалий санъатга қизиқтириш ва университетга ўқишга жалб қилиш имконияти яратилмоқда.

- ArtInnova” интеграцион илмий-тадқиқот маркази фаолияти доирасида амалий санъатни ривожлантиришга доир муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш, методик базаларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий усталар билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилган.

- Арт-студия ва “Ўргатиб-ўрганамиз” лойиҳаси доирасида талабаларга хунармандчиликнинг 7 та йўналиши — майда пластика, каштачилик, қуроқчилик, зардўзлик, босма гилам, кулолчилик ва ёғоч ўймакорлиги бўйича назарий ва амалий билимлар берилмоқда.

Факультетнинг “Тасвирий санъат ва дизайн” кафедрасида амалий санъат соати чекланган бўлишига қарамасдан, факультатив ва тўғарак машғулоти рақами мазкур соҳадаги фаолият жадал ривожланмоқда.

Кластер ҳамкорлик ва устоз-шогирд тизимининг интеграцияси

Алишер Назиров раҳбарлигидаги Риштон бадий кулолчилик мактаби билан тузилган шартнома асосида:

- талабаларнинг битирув ишларига маҳоратли усталар раҳбарлик қилмоқда;
- устоз-шогирд асосида амалий фаолият йўлга қўйилди;
- Хунармандлар уюшмаси томонидан амалий санъат йўналишида факультет фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Бу жараёнларда “кластер” моделининг долзарблиги янада яққол намоён бўлмоқда. Чунки бу ёндашувда таълим муассасаси, маҳаллий усталар, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик шаклланимоқда.

Халқаро майдондаги юксалиш

Факультет талабалари халқаро танловларда иштирок этиб, муваффақиятли натижаларга эришмоқда. Жумладан, ТуркСиб (Turkic Craft Cluster) лойиҳаси доирасида Россия, Туркия, Осиё давлатларида амалий санъат бўйича ўтказилган танловларда талабаларнинг ғолиб бўлиши – амалдаги кластер ҳамкорлик модели самарадорлигидан далолат беради.

Хулоса

Мавжуд муаммоларга қарамасдан, Чирчиқ давлат педагогика университети тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, амалий санъатни таълимга самарали интеграция қилишда кластер ёндашув ва устоз-шогирд тизimini уйғунлаштириш энг тўғри ва истикболли йўл ҳисобланади. Бундай ёндашув нафақат миллий хунармандчиликни сақлаб қолиш, балки рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш имкониятини ҳам яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги ПФ–1871-сон Фармони.

МАЗМУН

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Матжанова А.Ж. Қарақалпақ тилинде сыпайылықтың бетлик алмасықлары арқалы билдирилиўи

Есебаев М.М. Әжинияз Қосыбай улының бабалары ҳақында жаңа илимий изертлеўлер

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

A.B.Sultaniyazova Qaraqalpaq xalıq awız-eki dóretpeleri arqalı oqıwshı jaslarǵa milliy tárbya beriwdiń bazi bir máseleleri

Sayfullayeva I.Q Bo`lajak logopedlarni- nutqi rivojlanmagan bolalar nutqini tashhis qilishga o`rgatish metodikasi

Achilova S Dj Bo`lajak logopedlarni og`ir nutq nuqsonli bolalar bilan ishlashga tayyorlashning mazmuni

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХЫЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Jumayev F. A Ta`limda Vatan mavzusini jadid g`oyalari asoida o`qitish (Abdulla Avloniy ijodi misolidada)

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Abdullayeva F Sh Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga intellektual tayyorgarligini aniqlash metodlari va usullari

Achilova M S Boshlang`ich ta`limda steam yondashuvi asosida o`quvchilarda ijodkorlik qobiliyatlarini shakillantirishning ilmiy –nazariy asoslari

Э.Халикулов Умумтаълим мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўғарақларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш.

Raxmonov A R Bo`lajak boshlang`ich ta`lim o`qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda zamonaviy innovatsiyon yondashuvlar

Jurayeva S T Ta`lim-tarbiya jarayonida muammoli o`quvchilar bilan ishlash metodikasi

СУЎРЕТЛЕЎ ӨНЕРИ ҲАМ МУЗЫКА

Ankabayev R T Ta`lim tizimida o`quvchilarga rangshunoslik tarixini o`rgatish.

Азимов С. С Педагогический рисунок в формировании профессиональной компетенции будущего учителя изобразительного искусства.

Giyasova N.B Milliy ruh va san`at integratsiyasida bahodir jalolov ijodi

Марасулова И. М Амалий санъат ва таълим интеграцияси: ижодий фаолиятни шакллантиришдаги замонавий ёндашувлар

СОЦИАЛЛЫҚ ПЕДАГОГИКА

Buvorayeva G. Sh O`quvchilarda faol fuqarolik kompetensiyasini rivojlantirishning metodologik asoslari va pedagogik yondashuvlar